Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 12 март, чоршанба • № 21 (10.899) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ТУБ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ва қишлоққа етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ҳамда кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан уларга хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. 1997 йилдан бошлаб етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган моддий-техника ресурслари ва кўрсатиладиган хизматлар учун молиялаш ҳамда ҳисоб-китобларнинг шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашга ва шартнома мажбуриятлари бўйича таваккалчиликларни суғурталашга асосланган принципиал янги тизими жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ хўжалигидаги товар ишлаб чиқарувчилар билан уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар ўртасидаги барча иқтисодий муносабатлар қуйидаги асосий шартнома турларини тузиш йўли билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик кодексига ва бошқа қонунчилик актларига мувофиқ амалга оширилади:

тайёрловчи томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотини харид қилишга контрактация шартномаси, шу жумладан фьючер асосидаги шартномалар;

давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ маҳсулотлари харид қилишга шартномалар;

қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчиларга моддий-техника ресурслари етказиб бериш шартномаси;

қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар томонидан ёнилғи-мойлаш материаллари, энергия манбалари, минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситалари, қишлоқ хўжалик техникаси харид қилиш учун мақсадли кредитлар олишга шартнома; шунингдек ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг ҳуқуқий негизини таъминловчи бошқа турдаги шартномалар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўздавпахтасаноатсотиш», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзгўштсаноат» уюшмалари, марказий ва тижорат банклари, Молия вазирлиги, «Ўзагросуғурта» компанияси ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан бирга икки ҳафта муддатда мазкур шартномаларнинг намунавий шаклларини пухта ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва уларда томонларнинг ўз зиммаларига қабул қилган мажбуриятлари бўйича мулкий жавобгарлик чораларини кўзда тутсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йилнинг 1 апрелига қадар муддат ичида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик минтақалари бўйича экин майдони ҳамда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бирлигига ходимлар сони ва моддий-хомашё сарф-харажатлари чегараланган миқдорларининг нормативларига танқидий баҳо бериб, тўлиқ ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Нормативлар тасдиқлангандан кейин улар хўжаликларнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қишлоқ хўжалик корхоналарига етказилсин.

4. «Ўздавпахтасаноатсотиш» ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмалари, «Ўздонмаҳсулот» давлат акциядорлик корпорацияси, бошқа тайёрлов ташкилотлари қуйидагиларни амалда кенг жорий этсинлар:

аванс тариқасида бериладиган маблағлар қайтарилиши хусусида «Ўзагросуғурта» компанияси билан тегишли суғурта шартномалари тузилган тақдирда қишлоқ хўжалигидаги товар ишлаб чиқарувчиларга янги йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг асосий даврлари бўйича босқичма-босқич аванс бериб бориш;

маҳсулот етказиб беришни кафолатловчи қишлоқ хўжалик корхоналари билан пахта, дон экинлари ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишга янги ҳосил йиғиштириб олингунга қадар улар қийматини 90 фоиз миқдорда олдиндан тўлаб қўйган ҳолда фьючер контрактлари тузиш;

Ўзбекистон республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги «Ўздавпахтасаноатсотиш» уюшмаси билан бирга жаҳон бозорида қулай конюнктура вужудга келган тақдирда ҳақи 90 фоиз миқдорда олдиндан тўланиши шарти билан янги ҳосил пахта толасини экспорт қилишга фьючер контрактларини тузсин.

5. Ўзбекистон Республикаси марказий банки кредит эмиссиясининг 1997 йилга мўлжаллаб белгиланган миқдорлари доирасида 1997 йил ҳосили учун, шу жумладан 1996 йилда ушбу мақсадларга ажратилган кредитларни қоплаш ҳисобига пахтакор ва ғаллакор хўжаликларга аванс бериш учун «Пахтабанк» ва «Ғаллабанк»ка қайта молиялаш кредитларини ажратиб беришни кўзда тутсин.

6. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш», «Ўздавнефтмаҳсулот», «Ўзагрокимётаъминот» ташкилотлари ҳамда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа вазирликлар ва идоралар тузилган шартномалар бўйича ресурслар қийматининг 15 фоизи олдиндан тўланган тақдирда сарф-харажатларнинг белгиланган солиштирма нормативларига қатъий мувофиқ равишда шартномалар тузилишини ва қишлоқ хўжалик корхоналарига моддий-техника ресурслари етказиб берилишини таъминласинлар. Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шаклини қўлланиш амалда жорий этилсин.

7. «Пахтабанк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк»:

хўжаликлар билан қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг корхоналари, ташкилотлари ўртасида тузилган маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги шартномаларнинг ўз вақтида рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар;

хўжалик билан «Ўзагросуғурта» компанияси ўртасида суғурта шартномаси тузилган тақдирда тўлашга қобилиятли хўжаликларга ёнилғи-мойлаш материаллари, энергия манбалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникаси ҳамда бошқа моддий-техника ресурсларининг ҳақини тўлашга ўзларининг кредит маблағлари хисобидан мақсадли кредитларни ажратиб берсинлар.

8. «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик компанияси хўжалик паспортининг намунавий шаклларига ва қарз олувчига нисбатан талабларга мувофиқ, шунингдек белгиланган тартибда хўжалик мулкини гаровга қўйиш шартномаси тузилган тақдирда:

банкларнинг мақсадли кредитларини қоплаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга аванс тариқасида бериладиган маблағларнинг қайтарилиши учун қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларнинг жавобгарлигини суғурта қилсин;

кредитли шартноманинг ҳар бир лойиҳаси бўйича банкка эксперт хулосасини берсин.

9. Банкротлик ва санация масалалари бўйича ҳукумат комиссияси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигини, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасини, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш марказини, «Ўзистиқболстат» давлат қўмитасини, Молия вазирлигини, тижорат банкларини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашини, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимликларини жалб этган ҳолда икки ой муддатда:

қишлоқ хўжалик корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолатини ялпи ҳисобга олиб, бунда зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли хўжаликларнинг рўйхатини аниқласин;

банкротлик тўғрисида амалдаги конунга мувофиқ иқтисодий жиҳатдан ночор хўжаликларни реструктуризация қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин. Мазкур фармоннинг бажарилаётганлиги 1997 йилнинг 1 ярми якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 11 март

Ислоҳот одимлари

• Янгийўл мебель корхонаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ҳам бир маромда ишламоқда. Унинг жамоаси бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, шунга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Шунинг учун ҳам бу ерда тайёрланган турли-туман мебель буюмлари харидоргирлиги билан ажралиб туради. Қейинги йилларда корхонада юмшоқ мебеллар йиғмаларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. Айни вақтда бундай буюмларни тайёрлашга маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланишга катта эътибор бериляпти. Ушбу суратларда илғор мебелчилардан Неъматжон Раимжонов (чапда) ва Холмуҳаммад Турсунбоевларни иш устида ҳамда жўнатиш учун тайёрланган маҳсулотларни кўриб турибсиз.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Э.М.РЎЗИЕВНИ «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун Тошкент вилояти ҳокими Эркин Маҳмудович Рўзиев «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 11 март.

РАҲМАТ СИЗГА, ҲАМҚИШЛОҚЛАР!

Юқоричирчиқ туманидаги Кавардон қишлоғига табиий газ келганига анча бўлди. Қишлоқ аҳолиси табиий газдан фойдаланса да, лекин, 4-ўрта мактаб ўқувчилари совуқ хоналарда қийналиб... чўян печкаларидан чиқаётган тутунни ҳидлаб, нохуш ўтиришарди.

Яқинда мактаб тўла-тўкис газлаштирилди. Туман газлаштириш идораси бошлиғи, мактабнинг собиқ ўқувчиси Қанбар Исманов 300 метр газ қувури ҳадя этиб, лойиҳани тайёрлашда катта ёрдам берган бўлса, мактабнинг собиқ талабалари, туман иссиқлик маркази бошлиғи Эсонбой Пердешов, пайвандчилар бригадаси бошлиғи Эрганбой Карамановлар 1 миллион сўмлик ишларни бажардилар. Эндиликда мактабнинг 470 нафар ўқувчиси иссиқ хоналарда ўқимоқда.

Латифжон МАНСУРОВ.

МАЪРИФАТ ДАРСИДА... «ШАЙТАНАТ» МУАЛЛИФИ

КУНИ-КЕЧА вилоятимиз ички ишлар бошқармасида маърифат дарсининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди. Унга сўнгги кезларда машҳур бўлиб кетган «Шайтанат» асарининг муаллифи, иқтидорли ёзувчи Тоҳир Малик таклиф этилди.

Жиноятга даҳлдор мавзулар, осойишталик посбонларининг машаққатли фаолияти, адлия ходимларининг касбий маҳоратига бағишланган асарлар ўқувчиларни, шу жумладан, ички ишлар ходимларини ҳам ҳамиша қизиқтириб келади. 250 нафарга яқин киши иштирок этган учрашувда Т. Малик инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган 1997 йилда қалам аҳли ва ички ишлар ходимлари олдида турган вазифалар, ҳамкорлик қилишнинг самаралари, маънавият, қадрият, маърифат каби тушунчаларнинг устиворлиги, чин инсонга хос умумбашарий фазилатлар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини содда, лекин, тушунарли қилиб гапириб берди. У, шунингдек, ўзининг келажакдаги ижодий режалари билан ҳам ўртоқлашди, берилган саволларга жавоблар қайтарди.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

ТАҲЛИЛИЙ ЖАДВАЛ ТАЙЁР

ВИЛОЯТ санитария-эпидемиология станцияси шаҳар ва туманларимизда аҳолининг ичимлик сув билан таъминланиш даражаси ҳамда сувнинг сифат жиҳатдан истеъмоллилик меёри бўйича таҳлилий жадвал тайёрлади.

Уларга кўра Тошкент, Қибрай туманларида кўтарилган масалага доир аҳвол бирмунча яхши, дейиш мумкин.

Лекин, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Бўка, Оққўрғон, Янгийўл, Чиноз туманларида ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш, сувнинг истеъмоллилик даражасини ошириш борасидаги ишлар суст бормоқда. Таҳлилий жадвал ҳудудларда мавжуд камчиликларни бартараф этишга ёрдам бериши билан эътиборга лойиқдир.

Саид ВАЛИЕВ.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

АНГРЕНДА жажжи фуқаролар тарбияланаётган ўнлаб болалар боғчалари ишлаб турипти. Уларда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш йўлида тиним билмай изланилмоқда. Ҳар йили ўтказиб туриладиган ва эндиликда яхши анъанага айланган тарбиячилар кўрик-танлови ҳам шу мақсадга қаратилгандир.

Яқинда шундай тадбирнинг навбатдагиси ўтказилди. Унда кўплаб тарбиячилар қатнашдилар. Сўнгги босқичга уларнинг етти нафари етиб келди. Бу беллашувда иштирок этганларнинг тарбиячилик маҳорати, умумий билими, зукколиги, ҳозиржавоблиги имтиҳон қилинди. Барча шартлар ва саволларга батафсил жавоб берган, ўз касбининг моҳири ва билимдони эканлигини намойиш этган 45-махсус болалар боғчаси тарбиячиси М. Отажонова ғолиб деб топилди. Кўрик-танлов ҳайъати 13-боғча тарбиячиси Е. Тожибоевани иккинчи ўринга лойиқ деб ҳисоблади. 37-шундай маскан тарбиячиси Н. Землянушина эса учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Собир ҲАМИДОВ.

Хавьер СОЛАНА:

«БИЗ МУЗОКАРАЛАР ЙЎЛИ БИЛАН УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШИМИЗ МУМКИН»

12-14 МАРТ КУНЛАРИ НАТОНИНГ БОШ КОТИБИ Х. СОЛАНА РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар 1997 йилнинг 6-7 мартида НАТОнинг Брюссел шаҳридаги штаб квартираси, Европада Бирлашган қуролли кучлар бош қўмондонлиги штаби ҳамда ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича гуруҳга (Монс шаҳри) ташриф буюрди. Бу ташриф НАТОнинг ахборот ва матбуот бўлими таклифи билан амалга оширилди ҳамда НАТОнинг Бош котиби Х. Солананинг Ўзбекистонга келиши муносабати билан уюштирилди.

НАТОнинг Бош Котиби Х. Солана журналистлар билан учрашди ҳамда ўзбек журналистларини қизиқтираётган саволларга жавоб қайтарди.

САВОЛ. Жаноб Солана, Сиз Ўзбекистонга ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларига ташрифингиз мақсадини қисқача баён қилиб бермасангиз?

ЖАВОБ. Мен НАТОнинг Бош котиби лавозимини эгаллаганимдан бўз олдимга биз алоқа ўрнатган барча мамлакатларга, НАТО билан тинчлик учун ҳамкорлик дастури доирасида ҳамкорлик қилаётган мамлакатларда бўлиш вазифасини қўйган эдим. Мен Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлиги билан келажакда ҳамкорлик қилиш имкониятлари тўғрисида мулоқотимизни давом эттириш мақсадида алоқани йўлга қўйишни истардим. Мен уларнинг фикрини билишни, тажрибалари билан танишишни, биз учун ниҳоятда муҳим бўлган таклифларини эшитишни истардим. Худди шундай мулоқотда умумий хавфсизлик шароитларини биргаликда барпо этишимиз мумкин.

Биз ҳамкорлик қилишимиз мумкин бўлган жуда кўп бошқа йўллар бор. Биз биргаликда табиий ва бошқа офатлар содир бўлганда ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини режалаштиришимиз мумкин. Бу масалада сизда ажойиб тажрибалар борлигини биламан. Биз тинчликни сақлаш операцияларида ўзаро ҳамкорлик қилишимиз мумкин. Худди шу мақсадда Сиз Марказий Осиё батальонини барпо этдингиз. Фан соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш мумкин.

САВОЛ. Ҳамкорликнинг янги тизими — Атлантик Ҳамкорлик Кенгашини (АҲҚ) барпо этиш бўйича ташаббусни амалга ошириш механизмига НАТО раҳбарлиги қандай қарамоқда?

ЖАВОБ. Биз бу ғояни, уни ҳеч кимга мажбуран қабул қилдирмасдан, ўз ҳамкорларимиз билан муҳокама қилишни истаймиз. «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастурини ҳам Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги Кенгаши доирасида ҳамкорликни ҳам қамраб оладиган ташкилот бўладиган шундай Атлантик Ҳамкорлик Кенгашини барпо этишни истардик. Ҳозир олиб борилаётган сиёсий мулоқот бу икки дастурни ҳамкорлигимизнинг умумқамровли асоси сифатида битта ташкилотга бирлаштиришга ёрдам берган бўлур эди. Биз барча ҳамкор мамлакатлар билан бу ташкилотни НАТО аъзолари бўлган мамлакатларнинг Мадридда 1997 йилнинг 8-9 июлида бўлиб ўтадиган саммитигача барпо этиш тўғрисида келишиб олишга ишонамиз.

САВОЛ. Жаноб Бош котиб, НАТОни кенгайтириш Россияда шунга ўхшаш ҳарбий блокни барпо этиш ёки ҳарбий-саноат мажмуини кучайтиришга олиб келиши мумкин, деган фикрлар бор. «Совуқ уруш» вақтларига қайтиш хавфи борлиги ҳақида қандай фикрдасиз?

ЖАВОБ. Албатта, бундай хавфсирашнинг бўлмаслигини истар эдик. Ҳозирги вақтда биз шу масала устида ишлаяпмиз. Юқорида айтиб ўтганимдек, биз Европада ЕҲҲТга кирувчи мамлакатларда шундай ташкилотни барпо этишга интилаяпмизки, у ўзида қатнашишга НАТО аъзоси бўлган давлатларни ҳам, ҳамкор давлатларни ҳам жалб қила олсин. Биз янги иштирокчилар билан тўлдириш учун иттифоқ очамиз. Россия федерациясининг манфаатларини ҳисобга олмасдан Европада хавфсизлик тузилмасини барпо этишнинг мураккаблигини тушуниб, биз Россия билан алоҳида икки томонлама муносабатлар ўрнатиш ниятидамиз.

Биз XXI аср остонасида турибмиз. Тарихий истиқбол ўзгармоқда, НАТОнинг роли ҳам ўзгармоқда. Биз янги геосиёсатнинг амалдалигига мослашмоқдамиз. Биз хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш учун сизлар билан бирга қарорлар қабул қиламиз.

САВОЛ. НАТОнинг Шарққа томон кенгайиши жараёни жаҳонни навбатдаги бўлишга ёки курраи замин бўйича айрим давлатларнинг таъсир доирасини яратишга ўз таъсирини ўтказмайдими?

ЖАВОБ. Бундай деб ўйламайман. Шуни таъкидламоқчиманки, таъсир доираси концепцияси концепция сифатида ўтмишга таллуқлидир. Унинг истиқболи йўқ. Келажакда биз давлатларга қандайдир таъсир доираси ёки соҳаси кирувчи мамлакатлар деб эмас, балки автоном мустақил тузилмалар, ўз тақдирини ўзи танлашда эркин давлатлар сифатида қараймиз. Бу ЕҲҲТ даражасида ҳал қилинди. Бу ҳақда биз кўп йиллардан бери гапириб келаяпмиз. Биз бундан бир неча ой илгари Лиссабонда ЕҲҲТнинг саммитида буни яна бир бор таъкидладик. Биз дунёга таъсир доиралари нуқтаи назардан қарашни хоҳламаслигимизни яна бир бор айтиб ўтишни истайман.

А. ҒУЛОМОВ,
Ж. МУТАЛОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирлари.
Брюссель — Тошкент.

Наврўз — ҲАЙРЛИ ИШЛАР ДЕБОЧАСИ

ЮРТИМИЗДА Наврўз нафаси кезмоқда. Ҳар фаслнинг ўз хислати бор. Аммо, баҳорнинг ўрни ўзгача. У нафақат табиатни уйғотади. Балки бутун мавжудотни жонлантиради. Деҳқон ховури кўтарилган ерига-заминига шошади. Соҳибкор боғида ишни бошлайди. Яна кимдир яхши ният билан дарахт экади, томорқасига уруғ ташлайди.

Баҳорнинг — Наврўзнинг яна бир ҳислати бор. У одамларни яхшиликка, ҳайрли, савобли ишларга бошлайди. Эҳтимол Наврўз айёмининг неча асрлардан буён қадрланиб келинаётганлигининг сири ҳам шундадир...

1997 ЙИЛ — инсон манфаатлари йили. Шу муносабат билан вилоятдаги барча шаҳар ва туман ҳокимликлари, бўлим ва бошқармалар, бир қатор корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар Наврўз байрамига бағишлаб беш кунлик хайрия марафонини ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар. Бу хайрия тадбирларидан тушган маблағ вилоятдаги ногиронлар, етим-есирлар, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга, шунингдек шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини олиб боришга сарфланади.

Жойларда бу ташаббусни қўллаб-қувватловчи жамоалар сафи кундан-кунга кенгайиб бораяпти. Айни кунларда ҳамма жойда хайрия марафонлари қизғин бошланиб кетди. Шу кунгача Бекобод, Бўстонлиқ, Қибрай, Қуйичирчиқ, Бўка, Оҳангарон, Юқоричирчиқ, Янгийўл туманлари ҳамда Бекобод ва Оҳангарон шаҳарларида ана шундай марафонлар бўлиб ўтди. Энг муҳими бу тадбирларда шу ҳудудлардаги корхона, ташкилот, хўжалик, муассасалар ҳамда саховатли кишилар фаол иштирок этдилар.

Бугун бундай марафонлар Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Пискент, Чиноз, Ўртачирчиқ ва Оққўрғон туманларида давом этмоқда. Зангиота ва Тошкент туманларида ўтказилган хайрия марафонлари ҳам эътиборга сазовор бўлди.

Шуни айтиш керакки, вилоятимизда Наврўз айёмига тайёргарлик қизғин бормоқда. Жойларда кенг кўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу ишдан фахрийлар, ўқувчилар ҳам четда қолишмаяпти.

Баҳодир КАРИМОВ:

«ТЕХНОЛОГИЯЛАР КЕЛТИРИШ БОСҚИЧИГА ЎТДИК»

«Беш-ёғоч» нафақат Тошкентда, балки Ўзбекистонда ҳам тобора машҳур бўлаётган фирмалардан бири. Фирма йилдан-йилга ўз фаолиятини кенгайтириб бормоқда. Яқинда унинг раҳбари Баҳодир Каримов бир қатор хорижий давлатларда бўлиб қайтди. Биз у билан сафар, унда эришилган натижалар тўғрисида суҳбатлашдик.

— Баҳодир ака, аввало Оврупога қилган сафар таассуротларини ўртоқлашсангиз.

— Дарҳақиқат, таассуротлар миқёси жуда катта. Уларнинг айрим жиҳатлари борасида гапириб берсам фойдадан ҳоли бўлмайди. Масалан, Германиядан Франкфурт шаҳрига борганимда кузатдим. Дарахтлар парваришланган, кўчалар озода, ҳамма нарсада эътибор акс этиб турибди. Қанийди, Ўзбекистонда ҳам одамларнинг табиатга, борлиққа муносабати ўзгарса. Немислар ҳар бир нарсада Ватан тимсоли бор, деб ҳисоблашади. Мабодо, кўчадами, дарахтлардами доғ пайдо бўлса, демак, Ватанга даҳлдор, деб уни бартараф этишади. Кўчада бир дона писта пўчоғини кўрмайсиз. Бундай Ватанга бўлган улуғ тушунчалар ўзбекларга ҳам «юқса» ёмон бўлмасди, деб орзу қиламан.

Франкфуртда «Явимэкс» фирмаси вакиллари билан музокаралар олиб бордик. Бир қанча шартномаларга келишдик. Сўнг Германиянинг Кёлн шаҳрида Грёлл хоним билан учрашдик. Тадбиркор, оқила, барча воқеа-ҳодисалардан бохабар бу аёл билан фикр алмашиш завқли бўлди. Грёлл хонимга тегишли фирма билан бир нечта келишувларни имзоланишига эришдик. Кёлндан Голландияга учдик. Амстердамда «Альфа» номли сутни қайта ишлаш уюшмаси фаолияти билан танишдик. Сўнг Бельгия пойтахтида «Юбими» ун корхонаси, «Кулифууд» гўшт маҳсулотлари фирмаларининг иш жараёнини бориб кўрдик. Сўнг яна Германияга қайтиб келдик ва «Бролио» ёғ компаниясига ташриф буюрдик.

— Оврупо сафаридан асосий мақсадингиз янги технологиялар келтириш эди...

— Мақсадимизга эришдик десам ҳам бўлади. Германиядан ун тегирмони, печенье цехи, сут маҳсулотларининг замонавий ускуналарини сотиб олдик. Шунингдек, «Беш-ёғоч»нинг макарон ва колбаса тайёрлаш тармоқларини ҳам анча мукаммал ускуналар билан қайта жиҳозлаймиз. Ана шундан сўнг «Беш-ёғоч» фирмасининг жаҳон андозасидаги макарон, ун, сут, печенье, колбаса каби сифатли маҳсулотлари экспорт қилинса ажаб эмас. Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, чет эллардан маҳсулот ёки ускуналар келтиришга кетадиган сарф-ҳаражатлар кўп бўлганлиги туфайли «Мерседес-Бенц» автоулови (поезд)ни харид қилдик. Худо хоҳласа, анчамунча маблағимиз тежалади. Ускуналарни ўрнатиш учун Тошкент вилоятининг Зангиота туманидан 1,5 гектар ер олдик. У ерга замонавий кўринишдаги бино барпо қилиб, сут маҳсулотлари корхонасини жойлаштирамиз.

— Баҳодир ака, чет эллик тадбиркорлар билан анча йилдан буён ҳамкорлик қиласиз. Лекин, улар ҳақида айрим мишмишлар юради. Айтингчи, чет эллик тадбиркорлар билан ишлаш осонми ёки...

— Осон ҳам, қийин ҳам. Аввало, ким билан ҳамкорлик қилинаётганини билиш керак. Чунки, чет эллик ишбилармон ишлаб чиқариш корхонасининг вакили ёки шунчаки воситачи (олибсотар) тадбиркор бўлиши ҳам мумкин. Лекин, бевосита ишлаб чиқариш корхонаси вакиллари билан ҳамкорлик қилганда тўғри ишлаш керак. Уларнинг ишончини йўқотмаслик лозим. Яъни, икки ўртада тузилган шартнома шартларига тўлиқ амал қилинса, ишончни кафолатлайди.

Тадбиркорлик иқтисодиёт келажаги

Бу борада «Беш-ёғоч» фирмасининг тажрибаси бор. Биз ташқи иқтисодий фаолиятимизни 1994 йил бошлаганмиз. Дастлаб Польшанинг «Евротаксполь», Голландиянинг «Марс» фирмаси билан ишладик.

Шартнома қоидаларига тўлиқ амал қилганлигимиз туфайли «Марс» фирмаси президенти, 70 ёшли Форис Марс жаноблари фаолиятимиз билан қизиқиб қолиб, 1995 йил Тошкентга ташриф буюрди. Шу ташриф жараёнида у киши фирмамизга «Марс»нинг Марказий Осиёдаги расмий вакили (дистрибютер) унвонини тақдим этди. Бу биз учун катта шараф. Шунингдек, Американинг «Глобал Групп», Латвиянинг «Алдарс», Литванинг «Агролитс», Олмониянинг «Янус», «Явимэкс», «Бролио», Венгриянинг «Сериёл» фирмалари билан ҳамкорлик қилиб келамиз.

Бу фирмалар жаҳон андозасидаги, энг сифатли маҳсулотларни «Беш-ёғоч»га етказиб бермоқда. Шу сабабли ҳам «Беш-ёғоч»даги маҳсулотлар Евроандозага мос тушади. Бугунги кунга келиб фирмамиз мустаҳкам оёққа туриб олди. Энди фақат маҳсулотлар сотиш босқичидан замонавий ускуналар келтириб ўрнатиш ва жаҳон андозасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш босқичига ўтмоқда. «Беш-ёғоч»нинг пойтахтимизда олтита, Урганч шаҳрида битта дўкони бор. Келгусида Тошкент вилоятида бир нечта дўконлар очишни мўлжаллаяпмиз. Дўконлар ва идорамиз компьютерлаштирилган. Компьютер марказимиз эса жаҳоннинг машҳур «Интернет» ахборот маҳкамаси тармоғига уланган. Бу ҳам бизга янгиликлардан хабардор бўлишимизда қулайлик туғдирмоқда.

— Келгуси режаларингиз қандай?

— Ун тегирмони, Зангиота туманидаги сут маҳсулотлари корхонаси, печенье тайёрлаш тармоғини тезроқ ишга тушириб олсак, яна ниятларимиз кўп. Иложи борича, минглаб турдаги «Беш-ёғоч» тамғаси босилган Ўзбекистоннинг сифатли маҳсулотларини чет элга экспорт қилиш босқичига ўтсак, нур устига аъло нур бўларди. Хуллас, Ватанимиз иқтисодиёти бақувват бўлишига муносиб ҳисса қўшиш, энг катта орзумиздир.

Баҳодир Каримов билан бор-йўғи 10—15 дақиқа суҳбатлашдик. Сўз сўнггида Баҳодир аканинг, гап орасида айтган, қуйидаги мулоҳазасини муштарийларимиз диққатига ҳавола этишни лозим топдик. «Айрим ривожланган Оврупо мамлакатлари ишлаб чиқариш ёки бошқа соҳаларда биздан анча илгорлаб кетган бўлса-да, инсоний муомала, тўй-ҳашам, ҳашар борасида барибир гўзал Ўзбекистонимизга тенг келадиган жойи йўқ. Чет эл сафарларидан сўнг, ишончим комил бўлдики, Ватанимиз ҳар томондан тўкис яратилган экан».

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Суратда: «Беш-ёғоч» фирмаси бошлиғи Баҳодир КАРИМОВ (ўнгдан биринчи) олмониялик ҳамкорлар билан.

ЮРГАНДА ЙЎЛДА РОҲАТ ҚИЛСАНГИЗ

ХАЛҚИМИЗДА йўл очган савобга қолади, деган гап бор. Шу билан бирга таниш-билишимиз, дўстимизни бирон бир манзилга кузатар эканмиз, «Оқ йўл», ҳайдовчига эса, «Йўлингиз бехатар бўлсин», дея тилаклар билдирамиз. Буни таъкидлашимдан мақсад, йўлнинг ҳам ўзига хос файзи, хосияти бўлади. Шу боис, биз йўл қурувчилар кенг, равон кўчаларни, пиёдалар йўлакларини сифатли фойдаланишга топширганимизда ишимиздан қандайдир руҳланамиз. Одамларга манфаатимиз текканидан дилда ифтихор туйғуси уйғонади.

Текис, чиройли йўллар — яхши кайфият, ишдаги унум ҳам демакдир. Биз учун 1995, 1996 йиллар айниқса самарали бўлди. Тошкент — Чирчиқ — Чимён катта йўлининг анчагина қисмини қайта қуриш вазифаси жамоамизга топширилган эди. 6 километр узунликдаги кўча тўрт йўналишли бағри кенг бош йўлга айлантирилди. Йўлнинг икки томонига бетон ариқлар ётқизилди. Пиёдалар учун йўлаклар таъмирланди. Бунёд этилган катта йўл остидаги ҳар бирининг эни 90-100 сантиметрли бўлган қувурлар янгилари билан алмаштирилди. «Ўнқўрғон» маҳалласида 1,5 километр йўлларга ёритгичлар ўрнатилди. Қишлоқ маркази билан мазкур маҳаллани боғловчи йўл ҳам кенгайтирилди. Айни пайтда бу ҳудудда ишлар давом этмоқда.

Туманнинг «Бурота», «Майск», «Чинобод» қишлоқлари ва «Туркистон» жамоа хўжалиги ҳудудидаги умум фойдаланиладиган 16 километр йўл талаб даражасида таъмирланди.

Савобга даҳлдор иш

Умуман бошқармамиз ихтиёридаги 208 километр йўлнинг қай аҳволда сақланиши Абдулла Тўхтаев, Олим Ёқубов, Шукур Ҳайдаров, Наримон Каримқулов бошлиқ бўлимларга боғлиқ. Уларнинг меҳнатига баҳо берувчи эса йўловчи. Ҳар ҳолда бажарилаётган ишларимизга сўнгги беш йил ичида биронта ҳам эътироз бўлгани йўқ. Бунда Д. Алиев, Қ. Тожибоев, М. Кабиров, М. Собирматова, М. Шкуркова, Г. Бойтурсунова каби мутахассислар, Д. Алиев, Қ. Тожибоев, С. Мусабоев, М. Ёқубов, Э. Салимбоев, Р. Тўхтаев сингари жонкуяр ишчиларнинг хизматлари катта. Уларнинг сидқидил ҳаракатлари эвазига умумий фондамад ўтган йили 7 миллион сўмдан, соф даромад эса 5 миллион сўмдан ошди.

Кўп корхоналардаги каби йўлсозларнинг самарали меҳнати ҳам техникага боғлиқдир. Шу муносабат билан автогрейдерлар, ишчиларни ташийдиган машиналар, экскаваторлар, тракторларни ва тиркамаларни доимо соз сақлашга, улардан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Тўғри, бошқа жойлардаги сингари бизнинг бошқармамизда ҳам эҳтиёт қисмлар танқислиги мавжуд. Лекин, кўл қовуштириб ўтириш билан иш битмайди. Интилиб, изланиб қийинчиликларни ўз кучимиз билан ҳал этяпмиз. Ишчиларнинг меҳнати туфайли фойдаланишга топширилган равон йўллар эса бизга янги куч ва ғайрат бағишламоқда.

Йўлдош ТЎХТАЕВ,
Қибрай тумани йўл бошқармасининг бошлиғи.

ҚИЗЛАР БЕЛЛАШГАНИДА

АНГРЕНДАГИ 33-ҳунар билим юртида юзлаб қизлар ўзлари танлаган касбларини ўрганмоқдалар. Уларнинг маҳоратли ҳунар эгалари бўлиб чиқишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Талаба қизлар ўртасида кўрик-танловлар ўтказиб туриш ҳам одат тусига кириб қолди. «Иқбол» деб номланган бу тадбирда иштирок этганлар турли соҳалардаги ўз билимларини намойиш этадилар.

Куни-кеча яна бир шундай танлов уюштирилди. Унинг иштирокчилари халқимизнинг маънавий бойликлари, миллий урф-одатлари, бозор иқтисодига ўтиш, иқтисодий ислоҳотларга оид саволларга жавоб беришда ўзаро баҳслашдилар. Бир гуруҳ қизлар қатнашган бу танловда талаба Санобар Ниёзова барча саволларга тўла жавоб бериб, ўзининг бошқаларга нисбатан билимдон эканлигини намойиш этди. У голиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи мукофотли ўринларни Марғуба Мадалиева, Хилола Ҳайитқуловалар эгаллашди. Кўрик-танлов голибларига эсдалик совғалари топширилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Ангрен ҳақиқати» газетаси ходими.

Баҳорги экишга тайёрмисиз?

ТАРАДДУД

Юсуфжон билан Бўка пахта заводига киравериш да учрашиб қолдик,

— Ҳозиргина Андижондан келиб турибман. 180 тонна «Фарғона-3» навли уруғлик чигит олиб келдим, — деди у. — Экишга тайёргарликнинг охирги нуқтаси шу бўлди. Ана энди хўжаликда экишни бошлаб юборишга ҳамма нарса шай.

— Хўжалигимиз ўтган йили 2740 тонна ҳосил топшириб, йиллик режани бажарган эди, — дейди Юсуф Валиев. — Бу аввало, ер ва техникани вақтида тайёрлаб, экишнинг барвақт ўтказилганлиги натижаси бўлди.

«Бўстон»ликлар ҳар йилги одат бўйича бу йил ҳам чигит экишга барвақт тайёргарлик кўриб қўйишди. Кузда ерлар шудгорланиб, маъданли ва маҳаллий ўғитлар билан тўйинтириб қўйилган эди. Қиш бўйи ариқ ва зовурлар тозаланиб сув келишига тайёрланди. 12 та ҳайдов тракторлари ва 24та сеялка, культиваторлар созланиб, комиссия кўригидан ўтказилди. Ерни шудгорлаган, чигит эккан, ғўза парваришлаган ва ҳосилни саранжомлаб олишда фаол қатнашган Асадилла Сўфиев, Юсуф Самадов, Жўра Дадкибеков, Хусан Танибоев, Зокир Холмирзаев каби механизаторлар таъмирлаш ишларида ҳам ҳамкасбларига ўрнак бўлишди.

— Бу йилги янгилик шуки, — дейди Юсуф Валиев. — Андижонликларнинг тажрибаси асосида 250 гектар майдонга чигитни пленкалар остига экамиз. Бу иш билан шуғулланадиган барча бригада бошлиқлари ва механизаторлар Оққўрғон туманида ташкил этилган ўқув курсларида тажриба ўрганиб қайтдилар.

Пленка остига чигит экишнинг ўзи бўлмайди. Бу иш маҳсус барабанли сеялкалар ёрдамида бажарилади. Хўжалик раиси бошқарув аъзолари ва мутахассислар билан маслаҳатлашиб, ана шундай сеялкалардан 8 тасини тақиладиган тракторлари билан бирга сотиб олди. Раиснинг ҳисоб-китобича 250 гектар ерга жами 1250 килограмм пленка сарфланади.

250 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан ҳосил олишга эришсак, пленка харажати бемалол қопланиб кетади, — дейди Юсуф Валиев.

Раиснинг барча ҳисоб-китоблари қоғозга тушган, аниқ рақамлар билан қайд этилган. Унинг айтишича бу йил жами 1300 гектар майдонга чигит экилади. Ю. Валиев Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан хўжаликни уруғчилик хўжалигига айлантириш тўғрисида гапни бир жойга қўйиб келибди. Унинг вазирлик руҳсати билан Андижон вилоятидан 180 тонна биринчи ва иккинчи репродукцияли «Фарғона-3» навли уруғлик чигит олиб келганлиги сабаби ҳам ана шунда.

— Уруғлик пахта етиштириб, соҳадан олинадиган ҳосил ҳисобига даромадни камида 30 фоиз кўпайтиришга эришамиз, — дейди у. — Бугун эрта барча уруғлик дорилонади. 20 мартдан эса ёппасига экишни бошлаймиз. Уруғ билан бирга ҳар гектар ерга 300 килограммдан аммофос солинади. Етарли миқдорда азот ва олтингугурт ҳам ғамлаб қўйдик. Шунингдек, гектар бошига камида 10 тонна чиритилган гўнг ҳам соламиз. Бу чигитнинг тез униб чиқишини таъминлаб, қатқалоқнинг пайини қирқади.

Юсуф Валиев хўжалик аъзолари билан келишиб қўйган яна бир «сир»дан бизни воқиф этди. Бу йил мавжуд 20 та бригада 20 та деҳқон-фермер хўжалигига айлантирилар экан. Улар билан тузиладиган шартнома шартларини ҳам ишлаб чиқишибди. Хўжаликда деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси тузишга тайёргарлик кўриляпти. Ҳар бир фермер хўжалиги шартнома асосида ишлайдиган бўлади. Шу тарзда жамоа хўжалиги тизимидан деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси тизимига ўтилади. Даврнинг ўзи шуни талаб қиляпти.

Хўжаликнинг тажрибакор деҳқонлари Ҳамза Алимов, Турди Ўразбеков, Юнус Валиев, Каттабой Бобоев бошлиқ бригадаларида бўлганимизда шу йўлнинг устиворлигини, бундан кейин фақат тадбиркорликка даромадга эгалик қилишнинг ягона йўли эканлигини таъкидладилар, бунинг аниқ мисоли тариқасида 30 киши меҳнат қилаётган «Бўстон» деҳқон фермер хўжалиги ҳақида сўзлаб бердилар. Бу хўжалик 108 гектар ерда деҳқончилик қилади. Ўтган йили 30 гектар ерда пахта, 50 гектар майдонда ғалла, 28 гектарда сабзавот етиштирганди. Барча соҳалар бўйича режалар бажарилиб, 1 миллион 100 минг сўм даромад олди. Фойданинг бир қисми ҳисобидан Бўкадан Бекободга олиб борадиган йўл ёқасида бозори, растаси, бир неча дўконлари билан бирга гузар қура бошлади. Бу гузар фермер хўжалигининг даромад келтирадиган хусусий мулки бўлиб қолади. Мулк эгасига айлангандан сўнг хўжаликдаги ҳар бир тадбиркор ана шундай тарзда изланадиган бўлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, маиший хизмат кўрсатадиган, бошқача айтганда фақат фойда келтирадиган кичик корхона ва цехлар қуради.

«Бўстон» жамоа хўжалиги қишлоғида эса бундай корхона ва цехларни барпо этишга жадаллик билан киришилмоқда. 6 та сув тегирмон, лимонад, тикувчилик, этикдўзлик цехлари, нонвойхона ишлаб турибди. Чет эл фирмаси билан ҳамкорликда гугурт ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши поёнига етяпти. Келгусида бу ерда камида юз киши иш билан таъминланади. Қишлоққа табиий газ қувурлари тортиб келинди. Хонадонлар зангори олов ва ичимлик сув билан таъминланмоқда.

— Қишлоқда бу ўзгаришларнинг барчаси пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа соҳалардан яхши даромад олинаётгани натижасидир. Бизда ҳеч қачон бугунги иш эртага қолдирилмайди, — дейди Юсуф Валиев. — Кузги иш кузда, қишдагиси қишда бажариб қўйилади. Бу таомилга айланган. Ҳамма нарса баҳорги экишга тахт қилиб қўйилгани сабаби ҳам ана шунда.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

Суратларда: юқорида — «Бўстон» жамоа хўжалиги раиси Юсуф Валиев (ўртада) таъминотчилар билан бирга мавсумга шай қилинган техникани кўздан кечиряпти. Чапда биринчи бўлим ҳосилоти Олимжон Холмирзаев, ўнгда — ана шундай махсус сеялкалар билан плёнка остига чигит экилади.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Инсон манфаатлари йили

ЭКОЛОГИЯ — ФАОЛЛАР МУҲОКАМАСИДА

ОҚҚЎРҒОН туманида экологик аҳволни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу йўлда қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, кўзланган самарага эришилмаяпти. Табиатга келтирилаётган зарар ҳажми деярли камаймаяпти. Юзлаб гектар ер майдонларининг мелиоратив ҳолати ёмонлашди. Атроф-муҳитни ифлос қилувчи манбалар сезиларли камаймаяпти. Сув ҳавзаларини ифлос қилиш ҳоллари кенг кўламда давом этмоқда.

Буларнинг ҳаммаси инсон соғлиғига салбий таъсир қиляпти. Чунки, экология ва саломатлик бир-бирига боғлиқдир. Шундай бўлгач, экологик аҳволни яхшилаш учун нималар қилиш керак, қандай чора-тадбирларни амалга ошириш лозим? Туман ҳокимлиги билан «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси биргаликда ўтказган туман фаоллари йиғилишида шу масала атрофлича муҳокама қилинди. Унда тумандаги мутасадди ташкилотлар раҳбарлари амалга оширилган ишлар, келгуси режалар ҳақида ҳисобот бердилар.

ЙИҒИЛИШ қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан 1997 йил — Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинганлиги айни муддао бўлганлигини таъкидлаб, бу ўз навбатида экологик аҳволни яхшилашни ҳам талаб этишини алоҳида уқтирдилар.

Туманда табиатга билиб ва билмасдан зарар етказиш ишлари тўла барҳам топганича йўқ. Қишлоқ хўжалигида минерал ўғитлар ва экинлар зараркунандаларига қарши қурашда заҳарли кимёвий моддаларни ишлатиш кейинги йилларда бироз камайган бўлса ҳам, ҳамон кенг кўламда қўлланилмоқда. Саноат корхоналари, айниқса, Оққўрғон ва Алимкент пахта тозалаш заводлари атроф-муҳитни кўп миқдорда булғатмоқдалар. Тозалаш иншоотлари деярли йўқ, оқавалар сув манбаларини ифлослантирмоқда. Бундай иншоотларни барпо этиш учун лойиҳа-ҳаражат ҳужжатлари тайёрланган бўлса ҳам, уларни амалга ошириш учун маблағ етишмаяпти. Бу масалани ҳал қилиш учун оққўрғонликларга юқори мутасадди ташкилотлар амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Фаоллар йиғилишида табиатга энг кўп зарар келтираётган манбалардан бири — Алимкент пахта тозалаш заводи маъмуриятининг бу соҳадаги лоқайдлиги қаттиқ танқид қилинди. Худди шундай ўзибўларчилик оқибатида корхонада бир йилдан ошиқроқ вақтдан бери экологик аҳволни яхшилашга қаратилган бирорта ҳам тадбир амалга оширилмади. Туман марказий касалхонасида ҳам аҳвол яхши эмас. Унинг оқавалари ҳамон ерга сингиб, тупроқни заҳарламоқда.

Туманнинг хушманзарали жойларидаги қирқтага яқин соғломлаштириш масканлари қаровсиз ҳолда ётипти. Уларнинг эгалари бўлган республика пойтахтидаги корхона-ташкилотлар эса бу иншоотларга умуман эътибор бермай қўйганлар, оқибатда, уларнинг айримлари путурдан кетди.

Яна саноқли кунлардан кейин Наврўз байрамини тантанали нишонлаймиз. Уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини авж олдирган ҳолда кутиб олиш халқимизнинг қадимий анъанаси ҳисобланади. Шундай бўлгач, туманда барча ҳудудларни турли хил чиқиндилардан, ахлат уюмларидан, ирригация тармоқларини тозалаш, саранжом-саришталикни кучайтириш, умумхалқ хашарларни уюштириш ва бошқа шу каби ишларни амалга ошириш зарур.

Экологик аҳволни туман фаоллари йиғилишида биринчи марта кун тартибига қўйилишининг ўзи бу масалага эътибор кучайганлигини кўрсатади. Буни нотиқлар ҳам алоҳида таъкидладилар. «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси раиси, профессор Ю. Шодиметов, туман ҳокими А. Деҳқонбоев туманда экологик аҳволни яхшилаш меҳнаткашлар фаровонлигини оширишнинг муҳим омили эканлигини ҳисобга олиб, бунинг учун, аввало, ички имкониятларни қидириб топиш ва ишга солиш лозимлигини таъкидладилар, меҳнаткашларни йил давомида уч босқичда ўтадиган экология ва саломатлик кунларида фаол қатнашишга чақирдилар.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

«ХАЛҚ АРО ЯХШИРОҚ ДЕДИНГ КИМДИР...»

ХАЛҚИМИЗНИНГ юксак қадриятлари, буюк маънавият сарчашмалари ҳақида ўй сурганимда, беихтиёр кўз олдимизда улуғ шоир ва мутафаккир, йирик давлат арбоби ва ўзбек адабий тилининг асосчиларидан бири Алишер Навоий сиймоси намоён бўлади.

Қомусий билим ва ўткир ақл-заковат соҳиби бўлган бу ижодкорнинг ўзбек тилида ёзилган эллик бир минг икки юз мисрадан зиёд насрий ва қирқ беш мисрани ташкил этувчи ҳамда форс-тожик тилида яратилган ўн икки минг мисрадан иборат бўлган шеърий асарларининг деярли барчаси — бизга инсонларни доимий ҳалол меҳнат ва яхшилик, эзгулик сари ундовчи дастуриламалдек туюлади.

Улуғ аждодимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва беназир адабий меросини кўздан кечирган газетхон, улар халқ осойишталиги, эл-юрт манфаатлари ва фаровонлиги, илм, маданият, маънавият, маърифат ва санъат ривожи учун бахшида этилганлигининг шоҳиди бўлади. Зеро, ҳақли равишда таъкидлаганидек ва ҳозирги кунларимизда ҳикматли сўзга айланиб кетган қуйидаги:

Нафинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу наф ўзингга кўпрак дурур,

— байтида, у инсонларга қилинган ҳар бир яхшилик, кўрсатилган илтифот, эзгулик — беиз кетмаслигини, яхшиликка яхшилик, албатта, қайтишини алоҳида уқтиради.

Шу маънода олиб қараганимизда, ижодкорнинг «Маҳбубул қулуб» асари диққатга сазовордир. Бу асарда шоирнинг кўрган-кечирганлари, ҳаётий тажрибаларидан чиқарган хулосалари қаламга олинган:

Гаҳи топтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдим замондин комронлиғ.

Басе иссиғ-совуғ кўрдим замонда,
Басе аччиқ-чучук тоттим жаҳонда.

Асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм — яхши феъллар, иккинчиси — сабр-қаноат, ишқ муҳаббат ва учинчи бўлим фойдали насиҳат ва панд-ўгитлардан иборат. Бу қисм ҳам ўз навбатида бир юз йигирма тўрт танбеҳдан иборат бўлиб, улар ғоятда сермазмун ҳикматли сўзлар ва насиҳатларни ўз ичига олади.

«Тилга ихтиёрсиз, элга эътиборсиз». Бу ҳикматни ёд билмайдиган газетхонлар кам бўлса керак. Ўн бешинчи асрдаёқ ўзбек адабий тилининг ривожига улкан улуш қўшган ва бу тилда гўзал асарлар яратган шоир, тилнинг софлиги учун фидойилик ва масъуллик билан курашган.

Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, мустақил республикамизда ҳам ўзбек тилига Давлат мақоми берилганлиги, бу йўлда катта ишлар олиб борилаётгани — буюк алломамизнинг беш юз йил аввал қилган башоратлари, орзулари рўёбга чиқаётганлигининг ёрқин ифодасидир.

«Билмаганни сўраб билган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» каби шоир сўзлари ҳозирги кунларимизда мақол даражасига кўтарилгани эса айни ҳақиқатдир. Билим, илм ҳақида гап кетганда, фикримиз маърифатга бориб тақалади. Маърифат хусусида ўйлаганимизда маънавиятни айри тасаввур қила олмаймиз.

Маънавият ва маърифатга юртбошимизнинг, ҳукуматимизнинг шу кунлардаги ўзгача эътиборию, кўрсатаётган ғамхўрлиги, буюк ижодкор асарларида тараннум этилган ғояларнинг шу кунлардаги тантанасидан далолатдир. Зеро, шоир асарларининг ҳаммаси, табиатнинг энг олий маҳсули бўлган, ҳаёт гултожиси — ҲАЗРАТИ ИНСОН маънавияти, манфаати, фаровонлиги ҳақидаги, КОМИЛ ИНСОН тарбияси хусусидаги хитобномадир!

Айни пайтда, **«Чин сўзни ёлғонга чулғама, чин айтур тилни ёлғонга булғама» ёки «Ёлғончи киши эмас, ёлғон айтмоқ эрлар иши эмас»** сингари ҳикматлар ҳам ҳозирги кунларимизда ҳар бир мўмин-мусулмон учун ибрат сабоғи бўлиб хизмат қилмайдими?

Албатта, бу доно сўзлар шу кунларда ҳам улкан тарбиявий аҳамият касб этади. Зеро, атрофимизга боқсак, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, кўплаб ажойиб, ҳокисор, меҳнаткаш инсонлар билан бир қаторда, айрим ёлғончи, мунофиқ, бебурд, лафзсиз одамларни ҳам гоҳида учратиб қоламиз.

Маънавият сарчашмалари

Бундай маънавиятдан узоқ кимсалар, халқ, жамият, инсон манфаатлари йўлида хизмат қилиш, курашиш ўрнига, бировларни алдаб, ёлғончиликни касб қилиб олиб, ўзгаларнинг молига кўз олайтириб, турли харом йўллар билан уларни ўзлаштириб, «шармандага шаҳар кенг» қабилида кун кўраётганликлари сир эмас. Бундай виждонини сотган кимсалар орасида, минг афсуски, кечаги айрим зиёлилар борлиги кишини янада ўйга толдиради.

Шу ўринда яқинда содир бўлган бир воқеани келтирсам. Бир кимса кўздек қўшнисидан тижорат қилиш мақсадида фойдаланиш учун беш юз доллар қарз олади. Кўнгилчан қўшни ўзида йўқ пулни, етмиш-саксонни қаршилаб қолган ота-онасидан (афсуски, бу пулни қариялар охирги кунлари учун мисқоллаб йиғиб қўйишган эди) олиб келиб беради. Оқибатда қарздор олган пулидан буткул тониб юборади.

Яхшиликни билмаган кўрнамак уларни туҳмат қилишяпти, деб ички ишлар ходимларига топшириб юборади. Минг ҳижолатбозлик билан у ердан қутилиб чиққан қариялар, имонсизни қарғаб-қарғаб охири пулдан умидларини батамом узишади...

Орамизда бундай кимсалар бўлмаслиги учун маънавиятимиз юксак бўлиши керак. Маънавият ва маърифатли бўлиш учун эса улуғ алломаларимизнинг меросидан мутолаа қилиб, сабоқ олишимиз зарур. Бунда Ҳазрат Алишер Навоий асарлари барча-барчага ибрат мактаби вазифасини ўтайди. Зеро, бобомиз ёзганларидек:

Халқ аро яхшироқ дединг кимдир,
Эшитиб шубҳа айла рафъ андин.

Яхшироқ бил уни улус ораким,
Етса кўпроқ улусга нафъ андин!

Ҳа, одам ҳаёти, унинг фаолияти, қадр-қимматини ана шундай баҳолаган, мезонда ўлчаган Алишер Навоий — тарихда юқоридаги андозага муносиб, халққа кўп манфаат етказган буюк инсон эди. Унинг бой ижоди эса, бундан буён ҳам ҳамиша халқ ва замон хизматида бўлаверади!

БАҲОДИР ВАЛИЕВ.

Суратларда: лицей-интернатда ўқув машғулотлари пайти.

БУ ЕРДА ИҚТИДОРЛИЛАР ЎҚИШМОҚДА

АНГРЕН шаҳар иқтидорли ўғил болалар лицей-интернати давр тақозосига кўра ташкил топган янги ўқув муассасасидир. У 1996 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Биз яқинда мазкур билим даргоҳи раҳбари Маҳмуд ЖЎРАЕВ билан суҳбатда бўлдик.

— Маҳмуд ака, лицей-интернатнинг очилиши билан боғлиқ бўлган омиллар хусусида гапириб берсангиз. Бу саволни бежиз берганимиз йўқ. Сўз чўқурлаштирилган тарзда ўқитиш ҳақида борса, у ҳолда кўпгина мактаблар ҳам шундай билим бериш услубига ўтишганку, тўғри эмасми?

— Тўғри. Аммо, шаҳримиз учун бундай лицей-интернат зарур эди. Ўзингизга маълум юртимизнинг барча соҳаларидаги каби халқ таълими тизимида ҳам катта ўзгаришлар қилинмоқда. Айниқса, иқтидорли болаларни танлаб, уларни иштиёқлари баланд бўлган фан бўйича ўқитишга республикамизда кейинги икки-уч йил ичида эътибор ортди. Бизнинг лицей-интернатимиз ана шу талабнинг мевасидир.

Лицейга тест усулида қабул ўтказилди. Ҳужжат топширган 350 нафар боладан 60 нафарига, яъни энг иқтидорлиларига лицей-интернат толиби бўлиш насиб этди. Улар 2 та ўзбек ва 2 та рус гуруҳларида билим олмоқдалар. Ўқитув аниқ фанлар: математика, физика, химия, гуманитар фанлар: она тили, адабиёт, тарих, инглиз тилидан иборат икки йўналишда олиб бориляпти. Шуни алоҳида айтиш керакки, барча гуруҳларда инглиз тилидан жуда чуқур билим берилмоқда.

— Сиз энг иқтидорли болалар танлаб олинди, дедингиз. Бу иқтидор ўқув жараёнида сезилдими?

— Сезилди. Буни олимпиадалар натижаси кўрсатди. Шаҳар олимпиадасида иштирок этган 25 нафар ўқувчимиздан 7 нафари биринчи, 6 нафари иккинчи, 8 нафари эса учинчи ўринларни олдилар. Барча мактаблар орасида лицейимиз биринчи ўринга сазовор бўлди.

Вилоят миқёсида ўтган олимпиадада ўқувчилардан Эмил Носиров физика фанидан, Алёша Кринов ҳуқуқшунослик фани бўйича қатнашиб, яхши натижаларга эришдилар.

— Бу йилги режалар ҳақида нималар дея оласиз?

— Янги ўқув йилида ҳам лицей-интернатга 60 нафар 9-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади. Режа шуки, тобора ўқув сифатини ошириб бориш. Бу эса ўқитувчилар малакасига боғлиқ. Шаҳар халқ таълими бўлими бизни оталиққа олган. Шу боис, лицейимиз энг билимдон, ўқитувчилик касбини шарафлаб келаётган В. Урипова, Т. Жигарина, Т. Мутавалиев, Г. Эшчонова, Т. Коваленко каби фидойи зиёкорлар билан мустаҳкамланган. Бошқа муаллимлар ҳам ўз фанларини пухта эгаллаган ишчан устозлардир.

Биз лицейимиз моддий базасини мустаҳкамлашда ҳеч қачон мададини аямай келаётган Ангрен картон ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раҳбарларидан ҳам бехад мамнунмиз. Улар билан ҳамкорликда куч ва ғайратимизни ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга сарфлайверамиз.

— Раҳмат!

Суҳбатдош Даврон АҲМАД, муаллиф суратлари.

СИГИР ЙИЛИ ҲОСИЯТЛИ БЎЛАДИ

Тошкент тумани деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармасида

Туман бир вақтлари асосан сабзавотчиликка ихтисослашган эди. Эндиликда замон ўзгарди. Бозор иқтисоди янги талабларни қўйди. Туманда буғдой етиштириш ҳам салмоқли ўринни эгаллай бошлади. Натижада сабзавот экиладиган майдонлар анча қисқарди: бунинг учун 1100 гектар майдон ажратилди.

ЛЕКИН, ана шу майдондан аҳолининг эҳтиёжини қондирадиган сархил сабзавот маҳсулотлари етиштириш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармасининг янги раҳбарияти ҳокимлик билан биргаликда мутахассислар, тажрибакорлар маслаҳати асосида қайси ҳудудда сабзавотнинг қайси турларини экиб, қанчадан ҳосил олиш мумкинлиги масаласини обдон муҳокама этдилар. Шундай қилиш керакки, авжи пишиқчилик пайтида деҳқон етиштирган маҳсулот «эгасини топа олмай» далада, магазин пештахталарида қолиб исроф бўлмасин! Бунинг учун эса фақат бозор «тортадиган» экинни экиш керак. Шу мақсадда экинни жойлаштиришга баъзи ўзгартиришлар киритилди: ҳозирги пайтда помидор кўчатининг ўзи 1 сўм сарфланиб тайёр бўлмоқда. Уни экиб, ҳосилга киритгунча оз мунча меҳнат, ҳаражат бўлмайди: 1 килограмм помидорнинг таннархи 4—5 сўмга тўғри келиб қолади. Авжи пишиқчилик пайтида эса бозорда помидорни харидор бундан ортиқ нархга олмайди. Демак, бу экиндан фойда ўрнига зиён кўриб қолиш ҳеч гап эмас. Шунинг учун бу йил аввалги йилларга қарагандa камроқ ерга помидор экиладиган бўлди. Бу ерларга алоҳида эътибор берилиб, оз майдонлардан сифатли маҳсулот етиштиришга келишиб олинди. Шунингдек, ошлавлаги экишга янгича ёндошилади. Маълумки, баҳордагиси яхши кетмайди. Туриб қолиб исроф бўлади. Шунинг учун ош лавлагини такрорий экин сифатида экиб, кузда ҳосил олиш маъқул деб айтилди. Кеч куз ва қишда бу маҳсулотнинг бозори чаққон бўлади. Ҳозирги кунда унинг 1 килограмми 25—30 сўм сотилмоқда. Карамни ҳам қайси ерга жўнатиш, қайси корхона ва ташкилотларга сотиш «ҳисоб-китоби» қилиниб экилмоқда.

Қисқаси, шаҳар аҳолиси учун энг харидоргир сабзавотлар экишга астойдил киришилди. Ҳозиргача катта майдонга сабзи сепилди, пленка остида редиска ўстирилмоқда. Карам экиб бўлингач иссиқхоналарда бўшаб қолган ерларга зудлик билан помидор уруғи сепилади. Болгар қалампири, бақлажон ва бошқа сабзавот экинлари ҳам сифатли ўстирилиб, сара маҳсулот аҳолига етказилади.

ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Деҳқончиликда меҳнатни ташкил қила билиш — ютуқнинг асосий омилидир. Сабзавотчиликда турли усуллар синаб кўрилди. Бугунга келиб ишни ташкил этишнинг энг тўғри йўли — оилавий пудрат эканлиги тан олинди. Шунинг учун ҳам бу йил барча хўжаликларда сабзавот шу усулда етиштирилади. Бригадалар ўз таркибларида фаолият кўрсатиладиган оилавий пудратчилар билан, етти ўлчаб бир кесиб, шартнома тузиб чиқдилар. Унда икки томоннинг манфаатлари тенг ҳисобга олинди. Хўжалик таъминотчи, пудратчи эса сара ва сифатли маҳсулот етиштирувчи сифатида фаолият кўрсатади ва у 50 фоиз маҳсулотни хўжаликка топширади.

Ҳозирги кунда пудратчи жамоаларда иш қизғин. Олинадиган даромадни ҳомчўт қилиб олган ва қатъий ишонч ҳосил қилган пудратчилар ҳар дамни ғанимат билиб, мумкин қадар эртаги ва сифатли маҳсулот етиштиришни ният қилиб, меҳнат қилмоқдалар. Ўтган йили Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли хўжаликда бармоқ билан санарли пудратчилар эртаги карамдан мўл ҳосил олиб, катта даромад қилган эдилар. Уларнинг бу тажрибаси кенг ёйилди. Шунинг учун ҳам бу йил мазкур жамоа туманда биринчи бўлиб 32 гектар майдонга эртаги карам экишни тугаллади.

Охунбобоев номли, «Тошкент», С. Раҳимов номли жамоа хўжаликларида ҳам пудратчилар ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

СИНАШТА УРУҒ

КАРТОШКАНИ — иккинчи нонимиз деймиз. Лекин шунга қарамай бу экинни уруғини тайёрлаш ва таъминлаш ҳамон муаммо бўлиб келмоқда. Шундай ҳоллар ҳам бўлдики, юқоридан «мана бу уруғни экасиз», деб туриб олишади. Деҳқонларнинг райи ҳисобга олинмади. Оқибатда уруғлик яхши чиқмай, рисоладаги ҳосилни бермай, деҳқонлар меҳнати зое кетган пайтлар ҳам бўлди.

— Энди бундай бўлишига асло йўл қўймаймиз, — деб айтишди тошкентликлар, — Ўтган йил якунлари таҳлил қилинганида, — уруғни ўзимиз тайёрлаймиз, ўзимиз учун синашта бўлган уруғларни экамиз. Бошқа йўл йўқ. Улар шундай қилишмоқда. Туман тадбиркорлари картошканинг «Невский», «Белорус эртагиси» уруғи навларини экиб, ундан сифатли уруғ тайёрлаш тадбирларини кўрдилар. Бу йил ҳаммаси бўлиб туманда 280 гектар майдонга эртанги картошканинг ана шу нав уруғлари экилади. Ҳозир уруғлик картошкалар ундириб қўйилган, айрим майдонларга экилиб пленка тагига ҳам олиб қўйилди. Лекин асосан очиқ ерга картошка экилади. Эрта-индин кунлар исиб кетгач, бу ишга оммавий равишда киришилади. Айниқса, Навоий номли жамоа хўжалигида эртаги картошка экишга пухта тайёргарлик кўриб қўйилди.

Бошқа жамоа хўжаликларида ҳам эртаги картошка экишни ўз вақтида ва сифатли якунлаш учун барча имконият ишга солинади.

ТАБИАТ ДЕҲҚОНГА ЁН БОСМОҚДА

ҒАЛЛА мустақиллиги учун кураш бошланган дастлабки йилданоқ бу хайрли ишга баҳоли-қудрат ҳисса қўшиб келаётган туман деҳқонлари ўтган йили буғдой режасини бажара олмай доғда қолдилар. Ориятли дала меҳнаткашлари нима учун режа бажарилмай қолганлигини ҳар жиҳатдан таҳлил этиб: ноябрь ойидан кечиктирмасдан сараланган уруғни экиб совуқ бошлангунча уни ундириб олиш муваффақият гарови, деган қарорга келдилар. Улар ҳаммага аён бўлган, ҳар йили қайта-қайта такрорланадиган бу ҳақиқатга қатъий амал қилдилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда 1800 гектар майдондаги буғдой ниҳолларининг ўсиши ва ривожи кўзни қуёнтиради. Ҳозиргача ҳар гектарига 250 — 350 килограммдан аммофос солиниб биринчи озиқлантириш ўз вақтида ниҳоясига етказилди. Озиқлантиришдан сўнг ёғингарчиликнинг бўлиши айни муддаодир, дейди деҳқонлар. Осмондан ош-нон ёғиляпти, бамисоли. Айрим жойларда деҳқонлар ёмғир ёғиш жараёнида озиқани қўлда сепиб чиқишдан ҳам эринмадилар. Табиатнинг ўзи сенга қарашиб турганлан сўнг, бу имкониятдан фойдаланиш керак-да! Акс ҳолда бир-икки марта суғорган бўлардик буғдойзорларни. Мана энди қанчадан-қанча меҳнат сарфи тежалди. Бундан буёнги баҳорги юмушларни ҳам рисоладагидек олиб борсак, ҳар гектаридан бемалол 35—40 центнердан ҳосил олиш мумкин, дейишмоқда тошкентликлар.

...Тошкент тумани деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси раиси ўринбосари Муҳаммаджон Эшонов билан қилган суҳбатимиз жараёнида яна кўп нарсаларни билиб олдик. Туманда 1232 гектар майдондаги меваларга асосан шакл бериб бўлинди. Ички ариқлар тозалаб чиқилди, эски бедазорлар тирма қилиб бўлинмоқда. Чорва қишловини яхши якунлаш учун ҳамма имконият бор. Тошкентликлар ҳар йилдагидек бу йил ҳам шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашдек ўз бурчларини садоқат билан бажариш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қиладилар.

Носир РИҲСИЕВ.

Газета ва газетхон АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ

ТАҲРИРИЯТИМИЗ жамоаси обуначилар билан ҳамкорликни тобора мустаҳкамламоқда. «Таҳририят — обуначи» йўналишидаги изланишлар ўз самарасини бермоқда. Газета мундарижасининг хилма хиллиги ва таъсирчанлигини ошириш билан бирга оммабоп, қизиқарли тадбирларни уюштириш ҳам аъанага айланиб қолди.

Уч йилдан буён «Обуна» лотереяси ўтказилиб келинмоқда. Дастлаб бу ўйинда 20 фоиз обуначи иштирок этган бўлса, 1997 йилда 63 фоиз «машъалхон»ни бу қизиқарли ўйинда қатнашди. Энг катта ютуқ Белгия гилами 64-мактаб ўқитувчиси Акбар Норменовга насиб қилди.

— Бу гиламни худо хоҳласа қизимнинг тўйига ишлатамиз, — деди омадли ютуқ эгаси.

— Менга ютуққа бир ярим минг сўмлик аёллар костюм-юбкаси чиқди, — дейди фаол газета муштарийси қорасувлик Юлдуз Ярулина табассум билан.

— Менга эса Тўйтепа — Туркия қўшма корхонасининг эркаклар кўйлаги насиб қилди, — дейди Тошкент Давлат аграр дорилфунуни ўқув хўжалиги ишчиси Ж. Тошкенбоев.

Бу гал ўйинга 33 хил буюм қўйилди ва 171 «машъалхон»га омад кулиб боқди. Туман улгуржи — чакана савдо ва ишлаб чиқариш матлубот ҳиссадорлик жамияти, «Янги ҳаёт» хўжалик ҳисобидаги савдо ва ишлаб чиқариш корхонаси, Тўябўғиздаги ишчилар таъминоти бўлими ва Тўйтепа — Туркия қўшма корхоналари жамоалари «Обуна—97» лотерея ўйинининг ҳомийлари бўлишди.

Усмонали ҲАМИДОВ.

«ЗИЛЗИЛА» ЧОП ЭТИЛМОҚДА

СЕВИМЛИ адиб Абдулла Қаҳҳорнинг чоп этилган асарлари кўпчилик китобхонларнинг китоб жавонидан ўрин олган.

Яқин орада Ўзбекистон халқ ёзувчисининг яна бир йирик насрий асари чоп этилиб, мухлисларга тақдим қилинадиган бўлди. Ҳали кўплаб ўқувчиларга номаълум бўлган бу ижод намунаси «Зилзила» деб аталади.

Гап шундаки, Абдулла Қаҳҳор «Зилзила» асарида қатағонлик йиллари қурбонлари бўлган кишилар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади. Шунга кўра уни ўз вақтида чоп этиш ман қилинган эди.

Атоқли адиб вафотидан сўнг унинг умр йўлдоши ёзувчи ва таржимон Кибриё Қаҳҳорова асар қўлёзмасини эъзозлаб, сақлаб келди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг Кибриё ая «Зилзила»ни Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат давлат нашриётига топширган эди.

Янги асар улкан сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 90 йиллигига яхши совға бўлади, деб ўйлаймиз. Бу сана келгуси йили республикамизда кенг нишонланади.

Акбар АЛИЕВ.

«КАМОЛОТ» РЕЖАЛАРИ

Бугунги ёшлар... Уларга эртани ишониш мумкинми? Савол, андак ислоҳ талаб, лекин... Хўш, бугунги ёшлар қандай салоҳиятга эга бўлса мақсадга эришамиз? «Камолот» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раиси ўринбосари, маънавият, маърифат, фан ва маданият бўлими мудири Сарвармурод СОБИРОВ билан шу мавзуда суҳбатлашдик. Мулоқот тафсилотлари қуйидагича.

Кўпгина тадбирлар «Камолот» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими ташаббуси билан ташкил қилинмоқда. Масалан, Халқ таълими вилоят бошқармаси қошидаги ўлкашунослар маркази билан ҳамкорликда ҳар бир мактабда ўлкашунослар ҳаракати ривожлантирилянти. Унда ўқувчилар ўз қишлоғи, шаҳри, тумани, вилояти осори-атиқаларини, қадим иморатларини, ўтмиш маданияти, ҳунармандчилиги ва бошқа мозийга оид томонларини Ватанимиз тарихи, миллий анъаналар билан боғлаб ўрганадилар. Шунингдек, ўқувчилар Бухоро, Хива, Самарқанд, Кўқон каби ёдгорликларга бой шаҳарларга, музейларга, Ўзбекистоннинг замонавий ускуналар ўрнатилган «ЎзДЭУавто», «Қобул-Тўйтепа-текстайлз», «ЎзДЭУэлектроникс» каби қўшма корхоналар фаолияти билан бевосита танишиш учун ижодий сафарга чиқадилар. Сафар таассуротлари борасида қайтганларидан сўнг иншо ёзадилар.

Бундан ташқари миллий ҳунармандчиликнинг қадим сир-асрорларини «кашф» этиш, уни тобора ривожлантириш ниятида «Ёшлар ижод қиладилар» номли кўчма кўргазма ташкил этилади. У вилоятнинг барча туман, шаҳарларни «кезиб» чиқади. Кўргазмадан миллий ҳунармандчилик намуналари билан бир қаторда ёш рассомлар, тўқувчи-ю тикувчилар асарлари ҳам ўрин олади.

Ёшларни бир-бири билан дўстлаштириш ниятида «Дўстлик» клублари тузилаётир. Дастлабки шундай клуб Ангрен шаҳрида «Турон юлдузлари» номи билан «дунёга келди». Ангренлик ва пойтахтимиз ёшлари ўртасида вужудга келган клуб вакилларининг режалари кишини қуёнтиради.

Ниҳоят, яна бир янгилик, бундан кейин вилоятдаги ёш ижодкорлар ёки бўлажак шоир ва ёзувчилар назардан четда қолмайдиганга ўхшаяпти. Чунки, шу йил 11 мартда Тошкент вилоятидаги ёш қаламкашлар «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими қошидаги йиғилишхонада тўпланишади. Шу куни «Ёш ижодкорлар клуби» тузилганлиги расман эълон қилинади. Хуллас, ёшлар камолоти йўлида қилинаётган бугунги ҳаракатлар бесамар кетмаса керак.

Тўлқин ИБРОҲИМОВ.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

СЎНГГИ ЎЙИН СОВРИНДОРНИ АНИҚЛАДИ

ВИЛОЯТИМИЗ ўйингоҳларида «Наврўз» соврини учун ўтказилган анъанавий баҳорги турнир кеча ниҳоясига етди. Бўлиб ўтган учинчи ва тўртинчи тур учрашувлари қуйидаги натижалар билан тугади: «Дўстлик» — «Роҳат» — 4:1, «Кимёгар» — «Лочин» — 2:1, «Кимёгар» — «Металллург» — 2:1, «Дўстлик» — «Лочин» — 5:1, «Бўкалик» — «Роҳат» — 1:2. Энг йирик ҳисоб Бекободда «Металлург» ва «Бўкалик» жамоалари ўртасида қайд этилди. Майдон эгалари 10:0 ҳисобида устун келишди. Турнир давомида «Бўкалик» футболчилари уч марта йирик ҳисобда мағлубиятга учрадилар.

Сўнгги учрашув олдидан тўрт ғалабага эришган Чирчиқнинг «Кимёгар» футболчилари 12 очко билан пешқадамлик қилишди.

«Дўстлик» жамоаси ҳисобида 10 очко бор эди. Соврин эгаси ана шу икки жамоа ўртасида ўтказилган кечаги учрашувда маълум бўлди.

БОКСЧИЛАРИМИЗ. ЮРТ КЕЗИШМОҚДА

Ўзбекистон боксчиларининг бир гуруҳи Техронда ўтказилган халқаро турнирда қатнашган бўлса, ёшларимиз Бишкекда юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Муҳаммадқодир Абдуллаев (60 килограмм) ва Икром Бердиев (71 килограмм) ўз вазнларида барча олишувларда ғолиб келишиб, биринчи ўринни эгаллашди. 54 килограммгача вазнда Темур Тулаков иккинчи, 51 килограммгача вазнда Алишер Раҳимов учинчи ўринни олди. Азиз Шарипов билан Лазизбек Зокировлар эса Бишкек турниридан бош соврин билан қайтишди. Уч спортчимиз Темур Сулаймонов (60 килограмм) вилоятимиз вакили Қаҳрамон Бойназаров (67 килограмм) ва Темур Иброҳимов (81 килограмм)лар ўз вазнларида иккинчи ўринларни эгаллашди. Мирзоҳид Жиянбоев билан Абдували Шомирзаевлар эса учинчи бўлишди.

Италияда бўладиган халқаро турнирга йўл олган мамлакат жамоамиз сафида Қувончбек Тойганбоев, вилоятимиз вакили, зангиоталик Карим Тўлаганов, шунингдек, Осиё чемпионлари Дилшод Ёрбеков, Руслан Чагаев ва бошқалар бор.

«ЖИГУЛИ» МУБОРАК РУСЛАН!

УКРАИНА пойтахти Киевда эркин кураш бўйича халқаро мусобақада АҚШ, Россия, Хитой, Болгария, Венгрия, Украина, Грузия ва бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистон полвонлари ҳам қатнашдилар. Турнирнинг энг яхши қатнашчисига «Жигули 21—09» русмли енгил машина мукофоти ажратилган эди. Ушбу мукофотга рақиблари устидан йирик ҳисобда ва чиройли ғалабага эришган полвон сазовор бўларди. 76 килограммгача вазнлилар бахсида Руслан Хинчагов тўрт учрашув ўтказиб, барчасида рақибларини йирик ҳисобда енга олди. Ватандошимиз Польша полвони Бучкони 15:0, Украина эркин курашчилари Келесхаевни 9:0, Козирни 6:0 ва Белоруссия полвони Алексеенкони 16:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ана шу юксак мукофотни қўлга киритишга муяссар бўлди.

63 килограммгача вазнлилар бахсида қатнашган Рамил Исломов эса кучли учликдан жой олиб, 2.000 долларлик мукофот эгаси бўлди. 52 килограммгача вазнлилар бахсида қатнашган Дамир Зоҳриддинов бешинчи ўринни олди.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси вилоят шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида ишлаш учун участка вакилларининг мавжуд бўш лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда олий ва ўрта махсус маълумотли ҳуқуқшунослар, олий маълумотли педагоглар, ҳарбийлар иштирок этишлари мумкин.

Иштирокчилар 25 ёшгача бўлган эркаклар бўлиб, жисмонан соғлом, бўйи 170 см.дан кам бўлмаган, маҳалла ва иш жойидан ижобий баҳоланган, ички ишлар идораларининг ўрта бошлиқ таркибига қўйиладиган талабларга жавоб берадиган бўлишлари керак.

Ҳужжатлар душанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача Буюк Ипак йўли кўчаси, 243-уй, вилоят ИИБ кадрлар бўлимида қабул қилинади.

ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

ЖУРНАЛИМИЗ

«Муштум» журналига илк тамал тошини қўйган атоқли ёзувчимиз Абдулла Қодирий бу журнални ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаган эди. Ўтган вақт мобайнида «Муштум» ҳар бир хонадонга кулгу улашди, жамиятимиздаги турли хил иллатлар билан латифалар, ичакузди ҳангомалар орқали курашди. Ранг-баранг ва қизиқарли расмларда урф-одатларимизга, анъаналаримизга мос тушмайдиган баъзи кишиларнинг қилиқлари кулгили тарзда сатира остига олинди.

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳам «Муштум» ўз ўқувчиларини йўқотгани йўқ. Балки журнал сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилди. Ўзининг кулгу улашиш одатини сақлаб қолди. Бу борада айниқса, айни пайтдаги «Муштум» журнали таҳририяти аъзолари самарали меҳнат қилишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан журнал ҳар ойда хонадонингиз меҳмони бўлади. Унда қизиқ-қизиқ ҳангомалар, ҳажвиялар, масаллар, латифаю-лофлар, бир қайнови ичида гаплар ва албатта танқидий фельетонларни ўқиб борасиз.

Мана бугун ўша, сиз севган «Муштум» журнали газетамиз меҳмони. Бунда сиз «Тошкент ҳақиқати» учун махсус тайёрланган кулгили саҳифа билан танишасиз. Биз эса матонатли «Муштум» журнали таҳририяти аҳлига бундан кейинги ишларида ривож тилаб қоламиз.

ҚЎШНИ УЧУН МАРДИКОР

(«Аҳли қалам олами» туркумидан)

ДЎРМОН деган жойга бир тўда ёзувчи-ю, шоир дегани уймалашиб юрибди. Бариси дала ҳовли олган. Шанба, якшанба кунлари кимдир хотинини, яна биров боласини етаклаб чиқади. Ишга тушишдан олдин бирбирининг нима эккани билан қизиқади. Деҳқончиликнинг «д» ҳарфини билмайдиган қаламкашлар ўзаро маслаҳатгўйлик қилишади.

Шеъру-ҳикоя ёзиб юрганлар кетмон кўтариш, ер чопишни қайдан билсин. Шундайлардан бири — Бобохон Шарипов бўлса керак. Ён қўшниларининг ҳаракатини кўриб, унинг уйқуси қочди, томорқасига бир нарса экиш керак. Ўзи кетмон чопай деса, вақти тиғиз. Бунинг устига машҳур Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг директори.

Ҳозир нима кўп,иш излаб юрган... Тошкентда донғи кетган мардикор бозори... Ер чопувчилардан орқада қолмаслик учун у ўз ходими, таржимон Ҳасан Тўрабековга маслаҳат солди.

— Ҳасан ака, менга яхши мардикор танлашда кўмак берсангиз. Ўзимнинг қўлим тегмайди...

Директорнинг илтимосини икки қилиб бўлармиди. Ҳасан ака ҳўп, деди-ю, «Жигули»сига ўтириб мардикор бозорига жўнади. Ейман, ишлайман деган икки ер чопарни бошлаб келди.

Ер эгаси хурсанд. Мана, кетмон тегмаган ер чопиладиган бўлди. Иккаласининг қўлига кетмону паншаҳаларни топширишди... Юмшоқ кўнгил Ҳасан ака директор ҳурмати учун ошга ун нади. Мардикорлар ким билан алоқа қилаётганини бир кўриб қўйсин.

Ҳалиги иккови қора терга ботиб, ер ағдаришга тушди. Бобохон Шариповнинг томорқаси Муҳаммад Алига тегишли жойга «қўшни» эди. Тасодифан айланишга чиққан Муҳаммад Али икки йигит жон қойитаётганини кўрди-ю, уларнинг қошига борди.

— Ер чопаяпсизларми, — сўради у ўткинчига ўхшаб.

— Ҳа... —

— Чопаверинглар, — дедилар Муҳаммад Али.

Тушлик пайти Ҳасан ака ёғлиққина палов билан шоввозларни меҳмон қилди.

Тушдан кейин иш давом этди. Кечга яқин ер соҳиби шаҳардан қайтди. Мардикорларга келишилган ақчани бериш керак.

— Ия, — деди ўзини тўхтатолмай соҳиб, — ахир бировнинг ерини чопибсизларку.

— Ўзингиз кўрсатган жойни чопдик, ёшулли, — дейишди йигитлар. Бобохон адашганини ичидан тан олиб, қайси чизиқдан бериси меники эди, — деб кўз югуртирди. Ўзидан ўтгани учун ломлим дея олмади.

Қўшничилик... Бобохоннинг томорқаси ўрнига шу куни кечгача Муҳаммад Алининг... Югурганники эмас, буюрганники, начора...

Икки мардикор хизмат ҳақкини олиб жўнади. Бошлиқ бошини чангаллаб «оҳ» тортса, Ҳасан ака «мен куппа-кундуз куни битта ошга тушдим» деб, бош чайқаб юрди.

Буни эшитган Муҳаммад Али гап чувалашиб кетмасин, деб эртаси куни Америкага жўнаб кетди...

Қаранг-а, бу воқеанинг бўлиб ўтганига уч йилдан ошди. Бобохон Шариповнинг иш жойи ўзгариб, бўш вақтлари кўпайди. Ҳозир қўли анча деҳқончиликка эплашиб қолди. Машҳур таржимон Ҳасан ака Тўрабеков бандаликни бажо келтирди... Уларнинг ҳангомаси эса ҳамон ёдимизда.

Сафар БАРНОЕВ.

ЙЎҚ БЎЛУР БИР КУН...

Қолмасин юртим аро, бемаънилар,
Диллари тундек қаро, бемаънилар.

Бесавод, калтафаҳм, турқи совуқ,
Бундин бўлмас баднамо, бемаънилар.

Кўзларида беҳаёлик босқини,
Фисқ-фужурга мубтало, бемаънилар.

Йўнмаган қийшиқ таёқдан фарқи йўқ,
Қўзғотар кўп можаро, бемаънилар.

Тўпланиб, бир-бирила жанжаллашиб,
Йиртадир доим яқо, бемаънилар.

Таъма айлар меҳнат аҳлидан мудом,
Беимон юлғучнамо, бемаънилар.

Дуч келар жононадан сўргай висол,
Шилқиму мисли гадо, бемаънилар.

Не гуноҳу, не савобдир фарқламас,
Икки дунёси адо, бемаънилар.

Эй Муродий, хотирингни жам қил,
Йўқ бўлур буткул бало, бемаънилар.

Мурод КАЛОНХОН.

ОЛТИАРИҚ ҲАНГОМАЛАРИ

— Бунинг номи нима? — деб сўради ширинқишлоқлик меҳмон.

— Ҳасиб, — деди шакарқишлоқлик мезбон.

— Бошланиши қайси томони? Қаёғидан ейиш керак?

— Кунчиқар томонидан кунботарга қаратиб еб бораверасан.

* * *

Ширинқишлоқлик овчи замбаракни отга қўшиб, даштга йўл олди. Шакарқишлоқлик овчи учраб сўради:

— Йўл бўлсин?

— Чумчуқ овлагани кетяпман.

— Манави қутидагилар нима?

— Ўқлар.

Шакарқишлоқлик овчи кундадек ўқлардан бирини аранг кўтариб, уёқ-буёғини кўздан кечиргач:

— Менимча, бунинг нафақат чумчуқни, ҳатто, какликниям бемалол ўлдириши мумкин, — деди.

Анвар ОБИДЖОН.

ҲИНДУ ҚИЗ

Хино чаплаб қўлига,
Сари ўраб белига,
Нозлар қилиб йўлига,
Қош қоқадур, ҳинду қиз!

Севги деса жон берадур,
Бўса дебон «нон» берадур,
Вафолига ён берадур,
Хуш ёқадур, ҳинду қиз!

Манглайида ҳоли қизил,
Дудоғлари-боли қизил,
Боғда гулин ҳоли қизил
Воҳ, боқадур ҳинду қиз!

Ўйнаб кўяр—пилдир-пилдир,
Ошиғи кўп: «Илдир-илдир»,
Кўзчасидан
милдир-милдир,
Ёш оқадур, ҳинду қиз!

Ошиқ бўлдим кўриб кино,
Ёлғон эмас сўзим чин-о,
Ишқ олдида ширин вино
Бир соққадур, ҳинду қиз!

Ишонавер бардошимга,
Пажалиска, кел Шошимга,
Икки «кундош» бир бошимга,
Сал чоқадур, ҳинду қиз!!!

Амир БОЛА.

БОЛТА ДАСТАСИ

(Масал ўрнида)

Дов-дарахтлар бир куни
Ўрмон шоҳига келиб,
Таъзим билан дебдилар,
Пасти-баланд эгилиб:

— Ўлдик болта дастидан
Кўймас ҳеч ҳолимизга.
Токай энди бу золим
Қасд қилар жонимизга?

Шох дебди: — Э, дўстларим,
Тўғри барча сўзингиз.
Лекин, бунда гуноҳкор,
Даста берган — ўзингиз!..

Толиб ЙЎЛДОШ.

СУЯК НЕЧА ПУЛ?

(«Соли қизиқ ҳангомалари»дан)

Соли қизиқ гўшт харид қилмоқчи бўлиб бозор ёнидаги дўконга келиб навбатга турибди.

— Ўғлим, менга икки кило тортиб юбор...

Қассоб ҳам «хўп» деганича бир зумда тарози устига гўшт қалабди. Соли қизиқ бундай қараса, гўштнинг ярмидан кўпи суяк...

— Ўғлим, салгина инсоф қилсанг бўларди, ярмидан кўпи суяк-ку?!

— Олсангиз шу, бўлмаса, марҳамат катта кўча... — дебди қассоб.

Соли қизиқ ҳам саросимага тушмасдан, бемалол гўштни олибди-ю, чўнтагини ковлаб қассобга гўштнинг ярим пулини узатибди.

— И-е, бу нимаси, отахон?

— Олсанг, шу болам, йўқса, борадиган жойга бирга борамиз, — деганича жўнаб қолибди.

ФАҚАТ ШУНИ ЁЗМАБСИЗ...

Соли қизиқ ўзига костюм-шим буюртма бериш учун маиший хизмат уйига кирибди.

— Менга мосидан (лойиқ) тикиб бера оласизларми, — деб сўрабди.

— Ҳа, албатта, отахон, — дебди тикувчи аёл, — аввало, сиз биз айтган нарсаларни олиб келинг.

Тикувчи аёл қалам қоғоз олиб, зарур нарсаларнинг ҳаммасини отахонга ёзиб берибди. Соли қизиқ қоғозни очиб, ўқиганда қуйидаги ёзувларга кўзи тушибди:

1. Уч метр газлама.
2. Бир ўрам ип.
3. 10 дона тугма.
4. Икки дона нина.
5. Битта қайчи.
6. Юмшоқ пахта, қалам, бўр...

— Қизим, битта тикувчи ҳам олиб келайми... — деган экан Соли қизиқ.

Ҳангомаларни оққа кўчирувчи Ашурали БОЙМУРОДОВ.

МИТТИ МАСАЛЛАР

КЎЗ ВА БОШ

— Кечир мени, энди сен сира деворга урилмайсан, — узр сўрабди кўз бошдан.

— Афсус, жуда кеч очилдинг-да, — хўрсиниб жавоб қилибди бош.

САНДИҚ ВА ҚУЛФ

— Юрагим сиқилиб кетяпти. Бир дам мени бўш қўйсанг-чи, — ёлворибди сандиқ қулфга.

— Йўқ, — дебди қулф. — Сени бўш қўйсам бутун сирни ошкор қиласан.

КАМТАРЛИК

— Мен ҳамма нарсани бир-бирига боғлаб тураман, — мақтанибди ип.

— Сенга ана шу «боғ»ларни ҳосил қилишда ким йўл кўрсатишини ҳеч қачон эсингдан чиқарма, — дебди нина.

Эргаш ДАНГАЛ.

ЛАТИФАЛАР

Рязан вилоятидаги жамоа хўжалик раиси Швеция сафаридан қайтиб бошқарув аъзоларига ўз таассуротларини гапириб берарди:

— У ерда тағин стриптиз ҳам томоша қилдик.

— Буниси қанақанги экан, Иван Иванич?

— Аёл мусиқа садолари остида аста-секин ечина бошлайди. Томошабин жунбушга келади. Хоҳласам ўзимизда ҳам буни ташкил қилишим мумкин. Фақат, ўшандай гўзал қоматли хотин топиш керак.

— Чўчқабоқар Анфисани олиш мумкин, — деди кимдир. — Кўкраклари бай-бай...

— Ҳей-ҳей, — дея қовоғини уйди котиб, — Кўкрак кўкрак билану, лекин биласизлар Анфисамизнинг, аҳлоқи меъёрдан чиққан.

— Хўп, унда, балки, соғувчи Дуска ярар? Қомати оҳ, оҳ кетиворган...

— Қомат жойида-ку, аммо бошқа, кўрсаткичлари тўғри келмайди!

Тортиша-тортиша охири Марья Ивановнани танлашди: унинг кўрсаткичлари зўр, доим ойлик режаларни ошириб бажаради...

Марья Ивановнани чақирдилар ва вазифани тушунтирдилар: «стриптиз»да ҳам Ғарбнинг бўйнини эгиб қўйиш керак. Энди Марья опа қадрдон хўжалик шаъни учун ҳаракат қилиши зарур. Мусиқа янгради ва илғор колхозчи секин-аста ечина бошлади. Жамоа хўжалик бошқаруви унга бақрайиб қараб туришар ва тинмай бош чайқардилар:

— Оббо, шведлар-ей, роса ғалати экан-ку...

* * *

Иккита маст темирйўлда эмаклаб борардилар. Биттаси деди:

— Менга қара, Вася, бу нарвон жа жонга тегди-ку. Ҳали кўпми?

Иккинчиси орқасига ўгирилди ва яқинлашиб келаётган поезд чироқларини кўрди:

— Бардам бўл, ошна, ана, лифт келяпти...

* * *

Икки дугона суҳбатлашардилар.

— Дуся, алкаш эрим билан қийналиб кетдим. Худонинг берган куни бўкиб ичади, ичмаган куни бошоғриқ қилади.

— Албенахон, мен эса эримга лаънати арақни бутунлай унутдирдим.

— Қўйсанг-чи?! Дуся, қандай қилиб?

— Мана бундай: ўн шиша арақ олдим, ҳаммасини кир ювиладиган тоғорага қўйдим-да, ичига ўлган мушукни ташлаб қўйдим. Эрим уйга келиши билан ҳидни сездию, дарров тоғора томон юрди. Ўлган мушукни кўргач, ўқчий бошлади. Шундан бери арақни оғзига олиш у ёқда турсин, кўргани кўзи йўқ.

— Вой, дугонажон, раҳмат, ақлимни киритдинг! Бугуноқ шундақ қиламан!

Аёл ўша куниёқ ўн шиша арақ сотиб олди, кир тоғорага қуйди, ичига ўлган мушукни ташлади. Ўзи бошқа хонага кириб, нима бўлишини кута бошлади.

Эр кечқурун ишдан келди ва дарров ошхонага ўтди. Хотин сабрсиз кутиб ўтирар, эр эса йўқ-да, йўқ. Фақат қандайдир ғулдираш эшитиларди. Охири чидаёлмаган хотин эшик ёнига келиб ошхонага мўралади. Эр тоғора тепасида туриб олиб, арақ қолдиқларини тушириш учун мушукни бураб сиқиб ғўлдирарди:

— Ҳа, ҳа, яна бир томчи, қани...

* * *

Кўчада кучли совуқ. Бир киши совуқдан қалтираганча қаҳвахонага кирди.

— Холажон, — деди тишлари такиллаб, — ҳар доимгидай юз эллик оқидан, бир чўмич пиво!

— Ўғлим, кўчадаги совуқни қара, — деди раҳми келган сотувчи, — Яхшиси, қалин кийим-бош олсанг бўларди.

— Йўқ, холажон, менга соғлигим азизроқ...

Ориф ФАРМОН тайёрлаган.

— Эй, қурилиш жини, менга шагал, қум, цемент пайдо қил...

Жин: — Балки, бу юмушларингни ҳам ўзим битириб қўя қолярман...

М. АҲМЕДОВ чизган расм.

ЖАҲОН КУЛАДИ

Бир мексикалик иш билан Цюрихга келди. Меҳмонхонада ундан сўрашди:

— Исми-шарифингиз?

— Дон Мануэл де ла Фуэнте де Мора Арагон де лос Санчес.

Меҳмонхона хизматчиси:

— Ҳаммаларинг кираверинглар, фақат, охирги одам эшикни ёпиб қўйсин!

* * *

— Қани айт-чи, қандай саволга ҳеч қачон «ҳа» деб жавоб бериб бўлмайди? — сўради ўқитувчи.

— Ухлаяпсанми? — деди ўқувчи.

* * *

— Парда туширилгач, ҳамма «гурр» этиб қарсак чалворди, — деди театр иштирокчиси.

— Пардага нима деб ёзилган экан? — сўради дўсти.

* * *

Полициячи ҳайдовчига деди.

— Янглишмасам, бир ҳафта бурун сиздан ҳайдовчилик гувоҳномангизни олиб қўйган эдим, шундайми?

Ҳайдовчи:

— Ишқилиб, йўқотиб қўймадингизми, жаноб?

* * *

Гюнтер мактабдан кела солиб, бурчакка туриб олди.

— Бу нима қилганинг? — сўради ойиси ундан.

— Буни мен мактабда ўрганиб келдим, — жавоб қилди ўғил.

* * *

Петер ва Штефан «ким яхши алдайди» деган мавзуда ўртага юз франкдан пул қўйиб, гаров ўйнашди.

— Мен кеча уйимиз томига чиқиб, қўлларимни ёздим ва шаҳар устидан учиб ўтиб, черков минорасига етиб бордим-да, сўнг орқага қайтдим... — деди Петер.

Шунда Штефан пулларни қўлга оларкан:

— Ҳа, мен сени кеча учиб бораётганингни кўрган эдим, — деди.

* * *

— Ойи, сузишга борсам майлими?

— Йўқ, ёлғиз ўзинг боришинг хавфли.

— Дадам доим ёлғиз ўзи борадилар-ку!

— Даданг бошқа гап, унинг ҳаёти суғурта қилинган.

* * *

Никоҳ оқшоми келин-куёв қўшилгач, йигит қиздан сўради:

— Нима ҳақда ўйлаяпсан, азизам?

— Сен нима ҳақда ўйлаётган бўлсанг, ўша ҳақда...

— Ундай бўлса, жуда зўр. Шартта ошхонага борамиз-да, тортнинг қолганини еймиз.

* * *

Ўқитувчи: — Нега мен сени кичкина тентак деяпман, Стефан?

— Чунки мен, ҳали сизга ўхшаб катта эмасман-да! — деди Стефан.

Немис тилидан Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

— Кечирасиз, 25 йилдан буён омборларда ишлаб тажрибам бор, омбор мудирлигига қабул қилсангиз...

Ҳ. СОДИҚОВ чизган расм.



— Ҳой, қизим, сигарет чаккининг етмагандай, мен овга олиб кетадиган ашёлар халтасини нега елкага ташлаб жўнаяпсан?

— Ҳозир урф (мода) шунақа...

О. ВОСИХОНОВ чизган расм.

НАСРИДДИН АФАНДИ КИЧКИНТОЙ

Тўрт ёшли Насриддин онасидан сўрабди:

— Ойижон, ҳали дунёга келмасимдан олдин қаерда бўлганман?

— Қорнимда-да, ўғлим...

— Мени еб қўйганмидингиз? — деди у ҳайрат билан.

* * *

Тушлик овқат маҳалида тилини қуйдириб олган Насриддин шундай деди:

— Ойи, тилимни картошка тишлаб олди...

* * *

Яна бир тушлик овқат вақтида Насриддин қизикди:

— Ота, мен-ку ўсиш учун овқат ейман, сиз нима учун тановул қиласиз?

* * *

— Насриддин, ўғлим, шовқин қилмагин!

— Оббо, ўзи қанақасиз ойи, ҳамма ишимга аралашаверасиз?

* * *

Кичкинтой Насриддин ошхонада онасининг овқат тайёрлашини кузатаркан, ногаҳон деразанинг «терлаб» кетганини кўриб қолди:

— Ҳа, бугун дераза роса чарчабди, — деди.

Об-ҳаво

КУНЛАР ЯНА ИСИЙДИ

Ҳафта давомида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида қуруқ ҳаво сақланиб туради. Кечқурунлари 2 даража совуқдан 3 даража илиқ, кундуз кунлари 8-13 даража илиқгача бўлади. Ҳафтанинг охирларига бориб, ҳаво ҳарорати кўтарилиб, 12-17 даража атрофида бўлиши кутилади.

Акмал Икромов туманидаги масъулияти чекланган «Машъал» жамияти **ТУГАТИЛАДИ.** Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой ичида қабул қилинади. Т.45-94-68.

Чимкент шаҳрининг марказида жойлашган ҳамма қулайликларга эга бўлган хусусий уйни Тошкент вилоятидаги хусусий уйга **АЛМАШТИРАМАН** Мурожаат учун телефонлар: Чимкент—18-12-92 Тошкент—78-47-71, 55-80-62.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0146. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 17.693 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 00. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6